



## ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНING ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

**Отамуродов Шавкат Нусратиллаевич**

*DSc, Термиз давлат университети. Термиз шаҳри, Ўзбекистон.*

[otamurodovsh@tersu.uz](mailto:otamurodovsh@tersu.uz)

DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss4/a36](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a36)

### Аннотация

Мамлакат иқтисодий ривожланишида аҳоли фаровонлигининг ошишида экспортнинг ўсиши, унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларнинг улуши ортиши муҳим ўрин тутди. Ушбу мақолада экспорт диверсификациясининг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва мамлакатимиз экспортининг диверсификацияси ҳолати таҳлил қилиниб, экспорт барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида янги товарларни кўпайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ташқи бозор, экспорт, диверсификация, ҳудуд, барқарор ўсиш

### Аннотация:

Рост экспорта и увеличение в её структуре продукции с высокой добавленной стоимостью играют важную роль в экономическом развитии страны. В данной статье изучается роль диверсификации экспорта в развитии экономики, анализируется текущее состояние диверсификации экспорта страны, даны выводы, предложения и рекомендации по обеспечению стабильности экспорта, увеличению в её структуре новых товаров.

### Abstract:

The growth of exports and the increase in its structure of the high value-added products play an important role in the economic development of the country. This article examines the role of export diversification in the development of the economy, analyzes the current state of the country's export diversification, provides conclusions, suggestions and recommendations for ensuring the stability of exports, and increasing new products in its structure.

**Keywords:** foreign market, export, diversification, region, sustainable growth

### Кириш

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида ташқи савдо сиёсатининг ўрнини аниқлаш - бир неча асрлар давомида иқтисодчи олимларнинг эътибори марказида туриб келмоқда. Аммо, шунга қарамасдан илмий адабиётларда ташқи савдонинг иқтисодий ўсишга таъсири бўйича ягона илмий хулоса ҳануз шаклланмаган. Иқтисодиёт назариясида мамлакат миллий фаровонлиги, унинг халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштироки ҳамда экспортининг барқарор ўсиши билан боғлиқлиги кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан асослаб берилган. Шу билан бирга, мамлакатнинг амалга оширилаётган ташқи савдо сиёсати, шу жумладан, экспорт сиёсати мамлакатнинг самарали макроиқтисодий ривожланишини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар давомида экспортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида таъкидлаганидек, “Барқарор

иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади” [1]. Сўнги йилларда мамлакатимизда мавжуд экспорт салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда экспортчиларни рағбатлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди, экспортнинг таркиби ҳамда унинг географияси кенгайтирилди. Шу билан бирга, экспорт таркибида табиий ресурсларнинг юқори улуши сақланиб қолмоқда, Хусусан, 2021 йилда мамлакатимиз экспортининг 24,7 фоизи олтинга тўғри келган. Бундан ташқари, 2020 йилда 170 та мамлакат билан савдо операцияларини амалга оширилган, аммо унинг таркибидаги 5 та асосий экспорт йўналишларнинг экспортдаги улуши 53,2 фоизни ташкил этади. Шу сабабли 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 28-мақсадида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш назарда тутилган. Ушбу мақсад доирасида экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизда мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, мамлакатимизда етакчи экспортчиларни кўпайтириш ва бошқа кўплаб вазифалар белгиланган[2]. Ушбу вазифаларни самарали бажариш учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича тажрибасини ўрганиш, мамлакатимиздаги экспортчи корхоналарнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамиятга эгадир.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Экспортнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири, унинг диверсификациясининг экспорт барқарорлиги билан боғлиқлиги масалалари сўнги йигирма йил давомида хорижий иқтисодий адабиётларда кўплаб мунозаралар сабабчиси бўлиб келмоқда. Экспортнинг мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсири бўйича олинган хулосалар маълум бир яхлитлиги мавжуд бўлишига қарамасдан унинг таъсир этиш механизмига оид ягона хулоса шаклланмаган. Д.Рикардо икки мамлакат ва иккита товар мисолида нисбий устунлик назариясини асослаб берган. Унинг фикрича, очиқ иқтисодиёт мамлакатларнинг нисбий устунликка эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви орқали халқаро айрибошлашдан фойда топади. Мазкур назария асрлар давомида очиқ иқтисодиётнинг афзалликларини асослаш учун хизмат қилиб келган. Кейинчалик Э. Хекшер ва Б.Олин Рикардонинг назариясини ривожлантириб ишлаб чиқариш омилларининг нисбати назариясини яратдилар. Унга мувофиқ мамлакат ташқи савдосининг таркиби ва географик йўналиши унинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлиги билан аниқланади. Яъни, табиий ресурсларнинг катта захираларига эга бўлган мамлакатлар уни қазиб олиш ва экспорт қилиши, ўз навбатида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун етарли қувватлар ва малакали меҳнат ресурсларига эга мамлакатлар табиий ресурсларни қайта ишлаб тайёр маҳсулотларни экспорт қилиши мумкин. XX аср давомида иқтисодий адабиётларда халқаро меҳнат тақсимотининг мазкур ғояси ҳукмрон бўлиб келди.

XX-асрнинг 80-йилларидан бошлаб иқтисодий тадқиқотларда мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор кучайди. Тадқиқотчилар нима сабабдан очиқ иқтисодиётга асосланган айрим мамлакатлар юқори ўсиш кўрсаткичларга эришган, айрим мамлакатларда эса аксинча, иқтисодий ривожланиш суръатлари юқори бўлмаганлигига жавоб қидиришди. Бир

таъминлаши учун уларнинг экспорти таркибида хомашё улуши қисқариши ва саноат маҳсулотларининг улуши ортиши муҳимлигини аниқлашди [3]. Ривожланаётган мамлакатлар қўшилган қиймати юқори бўлган саноат маҳсулотларини экспортини кўпайтириш эвазига кўпроқ даромад олиш билан бирга экспорт тушумларини барқарорлаштириш имконига ҳам эга бўладилар [4]. Аксинча, табиий ресурслар экспортига (табиий ресурсларга ер ости бойликлари ва энергетика ресурслар билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам киритилган) ихтисослашган мамлакатлар нафақат кам даромад олади (қўшилган қиймати пастлиги ҳисобидан), балким, уларнинг иқтисодиётига халқаро инқирозларнинг таъсири ҳам юқори бўлади [5]. Экспорт диверсификациясининг мамлакат иқтисодий ўсишига ва у орқали аҳоли даромадларига ошишига имкон бериши бошқа олимлар тадқиқотларида ҳам исботини топди. М.Агосин ўттизта ривожланаётган мамлакатларнинг (Жанубий Америка ва Осиё мамлакатлари) экспорт диверсификацияси ва иқтисодий ўсиш билан боғлигини ўрганиб, 1981-2003 йиллар давомида ушбу мамлакатларда экспорт диверсификацияси иқтисодий ўсишида муҳим ўрин тутганлигини аниқлади. Унинг фикрича, ривожланаётган мамлакатлар экспорт диверсификацияси эвазига жаҳон бозорида нисбий устунликка эга бўлган кўплаб янги маҳсулотларни аниқлаш имконига эга бўладилар. Бунинг эвазига экспорт таркибида барқарор даромад келтирувчи маҳсулотлар ўрин олади [6]. Экспорт таркибида янги товарлар сони ортишининг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири иқтисодий адабиётларда кенг муҳокама қилинди. Бир қатор олимларнинг тадқиқот натижалари экспорт таркибида мунтазам янги товарлар ўрин олган мамлакатларгина барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашини кўрсатган [7]. Иккинчи гуруҳ олимлар тадқиқотлари аксинча, экспорт таркибидаги маҳсулотлар ҳажмини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилган [8]. Шу билан бирга ривожланаётган мамлакатлар учун асосий муаммо янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эмас, балки янги маҳсулотлар учун янги бозорлар топишдан иборат. Кўп ҳолатларда ривожланаётган мамлакатларнинг экспортчилари янги бозорларга кириш ва ушбу бозорларда сақланиб қолишда муаммоларга дучор бўладилар [9]. Ўзбекистон экспортини ошириш масалаларига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, бир гуруҳ иқтисодчи олимлар мамлакатимиз аграр маҳсулотлари экспорт салоҳияти ва уни ошириш йўллари тадқиқ этган [10,11]. М. Умарходжаева мева-сабзавотлар экспорти диверсификацияси масалаларини тадқиқ этган ва мамлакатимиз экспортида мева-сабзавот маҳсулотларининг кенгайтиш бўйича таклифлар ишлаб чиққан. Шунингдек, Н. Наримонов ўз тадқиқотида мамлакатнинг экспорт ҳажмини кўпайтиришда саноат маҳсулотларини экспортининг ўрнини ўрганиб ушбу гуруҳ маҳсулотлари мамлакатимиз экспортини ўсишида муҳим ўрин тутишини аниқлаган [12]. А Қодиржонов Ўзбекистон экспортининг таркибий ҳолатини таҳлил этиб уни такомиллаштириш имкониятларини тадқиқ этган [13].

Юқоридаги ишларда мамлакат экспортининг иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти, экспортнинг самарадорлигини оширишда унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларнинг кўпайишининг аҳамияти, давлатнинг экспортни рағбатлантириш механизми ва бошқа соҳага оид масалалар тадқиқ қилинган. Шу билан бирга мазкур тадқиқотларнинг асосий қисми Ўзбекистон экспортига оид маълумотларни тадқиқ этилмаган, мамлакатимиз экспортига оид илмий адабиётларда эса экспорт оқимининг муддати ҳамда унга таъсир этувчи омилларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўз навбатида, мамлакатимиз экспортини кенгайтиришда ҳар бир товарлар гуруҳи бўйича савдо оқимларини ўрганиш, экспорт


таркибидаги янги товарларнинг ташқи бозорларда ўрин олишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳамда қайси турдаги маҳсулотлар экспорти барқарор иқтисодий ўсишда муҳим ўрин тутишини аниқлаш зарур.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда мамлакатимиз экспорт ҳажмининг ҳамда унинг таркибий ўзгаришлари қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш ҳамда динамик қаторлар таҳлили ёрдамида ўрганилди, Шунингдек, тадқиқотда мамлакат экспортининг давомийлиги таҳлилида иқтисодчи олимлар Т.Беседес ва Т. Пруссо томонидан таклиф этган усулдан фойдаланилди [8]. Тадқиқот доирасида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишда тизимли таҳлил, мантиқий таҳлил, индукция ва дедукция усулларидадан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**


Ўзбекистон экспорти сўнги йигирма йил (2000-2020) давомида 5,4 баравар ошди (1-расм). Шу билан бирга унинг ўсиш динамикаси барқарор бўлмаган, айрим даврларда экспорт ҳажмининг қисқариш ҳолатлари ҳам кузатилган. Биринчи ҳолат, 2011-2016 йилларда кузатилган бўлиб, ушбу вақт оралиғида экспорт ҳажми 19,5 фоизга камайган. Экспортнинг ҳажмининг камайиши асосан товар маҳсулотлари экспорти эвазига рўй бериб хизматлар экспорти эса аксинча, 76,1 фоизга ўсиши кузатилган.



**1-расм Товар ва хизматлар экспортининг 2000-2020 йилларда ўсиш динамикаси, (млн. АҚШ долларида).**

*Манба: Ўзбекистон давлатстатистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди*

Товар маҳсулотлари экспортининг қисқариши асосан “Мева ва ёнғоқлар” (74%га), “Ёқилғи–энергетика ресурслари” (38%), “Минерал ўғитлар” (52%), “Пахта толаси ва унинг бирламчи маҳсулотлари” (32%), “Мис ва мис маҳсулотлари” (43%), “Нодир металллар ва қимматбаҳо тошлар” (12%), “Қора металллар” (43%) каби товар гуруҳларидаги маҳсулотлар экспорти қисқариши натижасида рўй берган. Иккинчи ҳолат, коронавирус пандемияси давомида ўрнатилган чекловлар натижасида рўй бериб 2020 йилда кузатилди. Ушбу йили 2019 йилга нисбатан экспорт ҳажми 13,5 фоизга камайди. Бу сафар экспорт ҳажмининг қисқариши асосан хизматлар экспорти камайиши ҳисобидан рўй берди (51,6 фоизга камайди), товарлар экспортида пасайиш 6,6 фоизни ташкил этди ва асосан ёқилғи–энергетика ресурслари экспортининг қисқариши ҳисобидан рўй берди (73,9%) (2-расм).



**2-расм ТОП-10 товар гуруҳлари экспортнинг динамикаси 2000-2020 йилларда ўсиш динамикаси, (2000 йил =100)**

*Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси очиқ маълумотлари асосида ҳисобланди// <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>*

Мамлакатимиз экспортида муҳим ўрин тутган ўнта (ТОП-10) товар гуруҳларидаги маҳсулотларнинг (ушбу гуруҳдаги маҳсулотларнинг 2000 ва 2020 йиллардаги мамлакат экспортидаги улуши мувофиқ равишда 87,4 ва 77,9 фоизни ташкил этган) экспорт ҳажмининг таҳлили кўрсатишича, улар экспортнинг ҳажмининг йиллар кесимида кескин ўзгариш ҳолатлари мавжудлиги яққол кўзга ташланади (2-расм). Айниқса, “Мева ва ёнғоқлар” (ТИФ ТН коди – 07), “Сабзавотлар” (ТИФ ТН коди – 08), “Ёқилғи-энергетика ресурслари” (ТИФ ТН коди – 27), “Ер усти транспорт воситалари” (ТИФ ТН коди – 87) каби товар гуруҳлари бўйича экспорт миқдорларининг ушбу даврда ўзгарувчанлиги юқори бўлган. Ўз навбатида экспорт товар оқимлари ҳажмининг кескин ўзгаришлари (ўсиш ёки пасайиши) тегишли иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишида муаммолар вужудга келтиради. Қизиқарлиги, кескин ўзгаришлар нафақат хом-ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортида, балки, тайёр маҳсулотлар таркибидаги транспорт воситалари экспортини ҳам четлаб ўтмаган. Албатта, кўриб чиқилган товар гуруҳлари таркибида кўплаб номланишдаги товарлар мавжуд, масалан, товар номенклатурасининг “Пахта толаси ва унинг бирламчи маҳсулотлари” (ТИФ ТН гуруҳ коди – 27) гуруҳи пахта толасидан тортиб матогача бўлган ишлаб чиқариш босқичларини қамраб оладиган 150 дан ортиқ товарлардан иборат. Мамлакатимизда экспорт диверсификацияси бўйича амалга оширилган ислохотлар унинг таркибида кўплаб янги товарлар пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Хусусан, 2020 йилга келиб пахта толаси экспорти тўхтатилди, унинг ўрнига тўқимачилик саноатининг қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларининг экспорти, жумладан ип калава, трикотаж матолар ва тайёр кийимлар экспорти сезиларли ошди. Шу билан бирга тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспорти таркибида ип калава маҳсулотлари улуши юқорилиги сақланиб турмоқда, уларнинг тўқимачилик маҳсулотлари экспорти таркибидаги улуши 2020 йилда 48,9 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиз экспорти географияси таркибида ҳам сўнги 20 йилда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди, миллий маҳсулотларимиз қўшни давлатларга экспорт ҳажми сезиларли ошди. Хусусан, 2000-2020 йиллар давомида Афғонистонга товар ва хизматларнинг экспортининг ҳажми 70,9 баробар, Қозоғистонга-9 баробар, Тожикистонга-4 баробар Қирғизистонга - 14,9 баробар ошди. Узоқ хориж давлат таркибида Хитой (86,3 баробар), Туркия (10,3 баробар), Канада (15,5 баробар), Россия Федерацияси (2,7 баробар) ва бошқа йўналишлар мамлакатимиз экспорти ўсишининг муҳим йўналишлари сифатида намоён бўлди.

Мамлакат экспортининг барқарорлигини ва унинг иқтисодийнинг ривожланишга ижобий таъсири кўп жиҳатдан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ассортиментдаги қўшилган қиймати улушига боғлиқ, ривожланган мамлакатлар кўп турдаги ва қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларни экспортини амалга оширадilar, шу сабабли экспортнинг ушбу мамлакатлар ривожланишига ҳиссаси юқори бўлади. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон экспортидаги товарлар ассортиментининг динамикаси кўриб чиқилган. Товарлар ассортименти ТИФ товарлар номенклатурасининг 6-рақамли кодлари (беш мингдан зиёд товар турларини қамраб олади) асосида ўрганилган.

**1-жадвал**

**МДХ мамлакатлари экспортида маҳсулотлар ва йўналишлар сони (ТИФ товар номенклатурасининг 6-рақамли кодлари асосида)**

	Товарлар сони			Экспорт йўналишлари сони		
	2010	2015	2020	2010	2015	2020
<b>Ўзбекистон</b>	<b>1472</b>	<b>1407</b>	<b>2176</b>	<b>98</b>	<b>101</b>	<b>101</b>
Арманистон	225	242	192	51	53	46
Озарбайжон	322	307	272	63	64	58
Белоруссия	999	1605	1100	98	107	79
Грузия	369	391	414	82	92	67
Қозоғистон	479	758	725	82	86	71
Қирғизистон	268	230	153	41	49	44
Молдова	487	484	538	64	77	69
Россия Федерацияси	3013	3353	3211	141	143	89
Тожикистон	146	127	74	45	34	31
Туркманистон	134	122	131	56	50	37
Украина	2216	2023	1925	136	134	88

*Манба: WITS (World Integrated Trade Solution) маълумотлари базаси ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилотининг халқаро савдо маълумотлар базаси (UN Comtrade Database) маълумотлари (Ўзбекистон) асосида муаллиф томонидан ҳисобланди*

Ушбу маълумотлар кўрсатишича, мамлакатимиз экспорти таркибида маҳсулотлар сони 2010-2020 йиллар оралиғида сезиларли ўсган, шу каби тенденция экспорт бозорлари сони бўйича ҳам мавжуд. Товарлар номенклатурасининг мазкур даражасида беш мингдан зиёд товар турлари мавжудлигини ҳисобга олсак, унинг 2176 номланишидаги маҳсулотлар мамлакатимиз экспортчилари томонидан 2020 йилда экспорт қилинганлигини ижобий баҳолашимиз мумкин. Шу билан бирга савдо битимларнинг асосий қисми 10000 АҚШ доллардан кам. Мазкур қийматдан юқори бўлган савдо оқимларни ҳисобга олинса, ушбу йилда 55 та мамлакатга 862 номланишдаги маҳсулот экспорт қилинганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу маълумотлар аксарият маҳсулотлар ва экспорт йўналишлар мамлакатимиз экспортидаги улуши юқори эмаслиги, ҳамда экспорт диверсификация бўйича мавжуд салоҳиятларимиздан тўлиқ фойдаланилмаганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, мамлакатимиз экспорти таркиби аксарият қўшни давлатларидан кенгроқ эканлигини кўришимиз мумкин. Экспорт географияси таҳлили кўрсатишича, мамлакатимиз экспортчилари нисбатан камроқ бозорларда ўз маҳсулотлари билан чиқишга муяссар бўлишган. Бизга маълумки, транспорт харажатлари ташқи савдога таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида Ўзбекистон географик жойлашуви логистика харажатларининг юқорилигига сабаб бўлиб келмоқда. Хусусан, темир йўлда 500 километргача бўлган масофага стандарт вагон (60 тонна) юкни ташиш харажати ҳар километрга ўртача 5,15 АҚШ долларини ташкил этса, Қозоғистонда бу кўрсаткич 0,93 АҚШ доллари, Туркманистон ва Қирғизистонда 2,65 АҚШ долларини ташкил этади [14].

Мамлакат экспортининг барқарорлигида миллий маҳсулотларимиз ташқи бозорларга чиқиш билан бирга сақланиб қолиш масаласи ҳам муҳим. Айрим иқтисодий адабиётларда ривожланаётган мамлакатлар ташқи бозорларда экспорти оқимининг муддати (умри) қисқалиги, кўпчилик ҳолатларда икки йилдан ошмаслиги аниқлашган [8]. Шу сабабли мамлакат экспорт ҳажми ошишида ташқи бозорларга чиқиш билан бирга ушбу бозорда сақланиб қолиш ва экспорт ҳажмини мунтазам ошириб бориш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон экспорти таркибидаги маҳсулотларнинг экспортининг давомийлигини аниқлаш мақсадда 2010-2020 йиллар давомида ҳар икки йил оралиғида экспорти бошланган маҳсулотлар сони, ушбу муддатда экспорти давом этаётган маҳсулотлар сони ва экспорти тўхтаган маҳсулотлар сони ўрганилди (2- жадвал). Тадқиқот учун мамлакатимиз экспортида муҳим ўрин тутган бешта йўналиш танлаб олинди: Хитой, Россия Федерацияси, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики тадқиқот муддатида танлаган экспорт бозорларида Ўзбекистон экспортининг таркиби кенгайиб борган. Масалан Хитой бозорига 2010-2012 йил оралиғида 44 та янги товар экспорт қилинган бўлса 2018-2020 йиллардан янги товарларнинг сони 115 тани ташкил этган. Ушбу тенденцияни барча ўрганилган экспорт йўналишларида кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари, янги экспорт оқимлари, айниқса, 2016-2020 йиллар оралиғида сезиларли ошган.

Шунингдек, экспорт таркибида сақланиб қолган маҳсулотлар улуши ҳам тобора ортиб бормоқда. Истиқболда ушбу товарлар мамлакатимиз экспортининг ҳажми ошишига имкон бериши мумкин. Экспорти давом этаётган маҳсулотларнинг улуши Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия Федерациясида нисбатан юқори. Хусусан, 2016-2018 йилларда экспорт қилинган маҳсулотларнинг Қозоғистонга 61,3 фоизи,

Қирғизистонга 55,4 фоизи ва Россия Федерациясида 56,6 фоизининг экспорти 2018-2020 йилларда давом этган. Ўз навбатида ушбу кўрсаткич Хитой учун 44,1 фоиз, Туркия учун 35,9 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, айнан, ушбу мамлакатлар бўйича экспорти тўхтаган маҳсулотлар сони ҳам кўп.

## 2-жадвал

### Маҳсулотлар экспорти давомийлиги таҳлили (Маҳсулот сони)

Yillar oralig'i	Davomiylik	Xitoy	Rossiya	Qozog'iston	Turkiya	Qirg'iziston
2010-2012	EBM	44	221	203	66	110
	EDM	32	400	309	53	93
	ETM	55	234	177	68	119
2012-2014	EBM	48	260	174	83	257
	EDM	31	361	376	51	131
	ETM	45	260	136	68	72
2014-2016	EBM	62	211	236	66	214
	EDM	36	331	380	66	250
	ETM	43	181	170	68	138
2016-2018	EBM	61	214	341	121	503
	EDM	59	371	447	77	376
	ETM	39	171	169	55	88
2018-2020	EBM	115	259	328	235	218
	EDM	70	428	587	91	536
	ETM	50	157	210	107	343

**Изоҳ:** таҳлилда товарлар номенклатурасининг 6-рақамли кодлардан фойдаланилди, EBM- экспорти бошланган маҳсулотлар; EDM- экспорти давом этаётган маҳсулотлар; ETM- экспорти тўхтаган маҳсулотлар.

*Манба: Бирлашган миллатлар ташкилотининг халқаро савдо маълумотлар базаси (UN Comtrade Database) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.*

Ушбу маълумотлар мамлакатимиз экспорт ҳажмининг тебранишларига унинг таркибдаги маҳсулотларнинг экспорт давомийлигининг қисқалиги ҳам маълум даражада таъсир этишини кўрсатади. Яъни, экспорт таркибида янги товарлар кўпайиши экспорт ҳажмининг ошишига ва улар бозордан чиқиб кетган йилларда экспорт ҳажмининг камайишига олиб келади. Албатта, кўпчилик ҳолатларда янги товарларнинг мамлакат экспортидаги улуши юқори эмас, аммо, айнан, янги экспорт оқимларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ташқи бозорларда ўз мавқеини сақлаб қолиши ва сотувларнинг кенгайиши натижасидагина мамлакат экспорт ҳажмини кўпайтириш мумкин бўлади.

### Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз экспорти диверсификацияси бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, унинг таркибида пахта толасининг яққаҳокимлигига барҳам берилди. Хусусан, 2020 йилда мамлакатимиз экспортчилари ташқи иқтисодий фаолият номенклатурасининг олти рақамли кодлари ҳисобида икки мингдан зиёд, яъни мазкур рўйхатдаги 40 фоиздан ортиқ товарларни экспорт қилган. Бундан ташқари, экспорт таркибда қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотлар ҳиссаси сезиларли ошишига ҳам эришилди. Шу билан бирга аксарият турдаги маҳсулотларнинг экспортдаги улуши жуда паст, унинг асосий қисми тор доирадаги

маҳсулотлар ташкил этади. Бундан ташқари, ушбу йили 101 мамлакатга экспорт амалга оширилган, аммо экспортнинг тор доирадаги мамлакатлар бозорига боғлиқлик даражаси юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Тадқиқотимизда ўрганилган, мамлакатимизнинг эркин савдо бўйича келишуви мавжуд бўлган мамлакатлар (Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Қирғизистон) экспортида нисбатан кўпроқ турдаги маҳсулотлар мавжудлиги аниқланди. МДХ мамлакатларининг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида муҳим ўрин тутиши маҳсулот етказиб бериш бўйича транспорт харажатларининг нисбатан арзонлиги, мавжуд эркин савдо битимлари ҳамда тарихий, ижтимоий-маданий омиллар билан боғлиқ. Шу билан бирга мазкур мамлакатлар бозор сиғими юқори эмаслиги, мамлакатимиз экспортини кенгайтириш учун янги йўналишлар топиш муҳим.

Сўнгги йилларда узоқ хориж мамлакатларга ҳам экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва тури сезиларли ошди. Аммо, аксарият янги товарларнинг ушбу бозорларда сақланиб қолиш муддати анча паст, кўпчилик товар оқимларнинг “ўмри” икки йилдан ортмаяпти. Шу сабабли, мамлакатимизда амалга оширилаётган ташқи савдо сиёсати янги товарларнинг экспортини рағбатлантириш билан бир вақтда экспорт маҳсулотларининг ташқи бозорларда сақланиб қолишига кўмаклашиши лозим. Бу соҳада ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ташқи бозорлардаги экспорт оқимларнинг муддатига мамлакатлараро эркин савдо битимларининг мавжудлиги ҳамда ташқи савдога хизмат қилувчи инфратузилманинг ривожланганлиги муҳим ўрин тутишини кўрсатган.

Мамлакатимизда экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида экспорт билан боғлиқ транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш амалёти жорий этилди. Натижада экспортчилар маҳсулот экспортида транспорт харажатларини камайтириш ва ташқи бозорларда ўз маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш имкониятига эга бўлдилар. 2021 йилда 442 корхоналарга 150 млрд. сўмлик компенсация тўлаб берилди. Назаримизда компенсация тўловларини айнан янги йўналишларга ва янги маҳсулотлар (экспорти бошланаётган) учун маълум муддат тўлаб бериш мақсадга мувофиқ. Чунки, янги бозорга кириш ва бозорда сақланиб қолиш даврида экспортчи корхоналар учун ёрдам муҳим. Шунингдек, компенсация тўлаб берилиши муддатли бўлиши ва икки-уч йилдан ошмаслиги лозим, акс ҳолда “боқиманда”, фақат субсидиялар эвазига ташқи бозорда рақобатбардошликка эришган корхоналар кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, мамлакатимиз экспортини кенгайтиришда транспорт харажатларини қоплаб бериш амалиётидан айнан экспорт юklarини ташувчи корхоналарини ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, мазкур хизматлар бозорида рақобатчилик муҳитини ривожлантириш бўйича ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Экспортини кенгайтиришда ташқи бозорлар конъюнктурасидан келиб чиқиб мамлакат экспорт салоҳиятидан унумли фойдаланиш муҳим. Шу сабабли келгуси тадқиқотларда мамлакатимиз учун истиқболли бозорлар ва экспортбоп маҳсулотларни аниқлаш, экспорт маҳсулотларининг рақобатбардошлигига салбий таъсир этаётган муаммоларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш лозим.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 28 январь 2020// <https://review.uz/oz/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-savkat-mirziyevning-olij-mazlisga-murozaatnomasi>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони,
3. Chenery, H. Structural Change and Development Policy. New York: Oxford University Press. 1979.
4. Bleaney, M., and D. Greenaway. 2001. “The Impact of Terms of Trade and Real Exchange Volatility on Investment and Growth in Sub-Saharan Africa.” *Journal of Development Economics* 65: 491–500.
5. Isham, J., Woolcock, M., Pritchett, L., & Busby, G. (2005). The Varieties of Resource Experience: How Natural Resource Export Structures Affect the Political Economy of Economic Growth. *The World Bank Economic Review* vol. 19 iss. 2 pp.141—174.
6. Agosin, M. R. 2007. “Export Diversification and Growth in Emerging Economies.” Working Paper 233. Departamento de Economía, Universidad de Chile, Santiago.
7. Hummels, D., and P. J. Klenow. 2005. “The Variety and Quality of a Nation’s Exports.” *American Economic Review* 95 (3): 704–23.
8. Tibor Besedes & Thomas J. Prusa, 2007. "The Role of Extensive and Intensive Margins and Export Growth," NBER Working Papers 13628, National Bureau of Economic Research, Inc.
9. Otamurodov, Shavkat, Shujin Zhu, Ihtisham ul Haq, and Tenglong Zhong. “Export Margins, Price and Quantity of Belarus’s Export Growth.” *Review of Economic Perspectives* 17, no. 1 (March 1, 2017): 81–99. doi:10.1515/revecp-2017-0004.
10. Dadabaev U.A., Isadjanov A.A., Sodikov Z.R., Mukhitdinov Sh.Z., Batirova N.Sh. Ways to Increase the Export Potential of Agricultural Products of Uzbekistan in a Pandemic. *International Journal of Modern Agriculture*, 10(2), 2466, 2021.- 2479
11. Yuldashev N. K. et al. Innovative and export potential of the agro-industrial complex of Uzbekistan //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 282. – С. 06004.
12. Narimonov N. The role of products manufactured by industrial enterprises in the export power of Uzbekistan //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 1114-1118.
13. Қодиржонов А. М. Ўзбекистон Республикаси экспортини таркибий ҳолати таҳлили ва такомиллаштириш имкониятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2021 йил, 403-408 бетлар
14. Файзуллаев Ж. С. Замонавий транспорт-логистика тизимининг бошқарув самарадорлигини ошириш. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. -2017. -№ 6. -1-8 Б.
15. Ўзбекистон Республикаси Экспорт агентлигининг 2021 йил ҳисоботи// <http://epauzb.uz/pages/hisobotlar?lang=uz>.